

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВА ДИЛФУЗА БАХТИЁРОВА

ДИДАКТИК АСАРЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

УДК:[821.512.133 -342:821.222.1-342].07

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижас
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

| | |
|---|----|
| Зарипова Дилфуза Бахтиёровна Дидактик асарларнинг қиёсий-типологик таҳлили | 3 |
| Зарипова Дилфуза Бахтиёровна Сопоставительно-типологический анализ дидактический произведений | 21 |
| Zaripova Dilfuza Baxtiyorovna Comparative typological analysis of didactic works | 41 |
| Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works | 46 |

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАРИПОВА ДИЛФУЗА БАХТИЁРОВА

ДИДАКТИК АСАРЛАРНИНГ ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.I.PhD/Fil707 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.buxdu.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдуллаева Марғуба Дусмиратовна
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Ҳайитов Шавкат Аҳмадович
филология фанлари доктори (DSc), доцент

Боқижон Тўхлиев
филология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Навоий давлат педагогика институти

Диссертация химояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-07, e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz.)

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М.Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: +99865 221-29-14.)

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси.)



Д.С. Ўраева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

Ш.Г. Давронова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

Г.Н. Муродов

Г.Н. Муродов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослик илми учун дидактик адабиётнинг шаклланиш жараёнини аниқлаш, унинг тадрижий тараққиёт йўли ҳамда миллий адабиётдаги ўрнини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, дидактик асарларнинг юзага келиш жараёни, унга хос хусусиятлар ва тараққиёт тамойилларини тарихий-қиёсий аспектда тадқиқ этиш, миллий адабий мерос моҳиятига янада чуқур кириб бориш орқали унинг жаҳон адабиёти ривожига муносиб ўрнини асослаш, ўзидан кейинги даврлар адабиётига кучли таъсир ўтказган ижодкорлар меросини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида дидактика масалалари, хусусан, дидактик асарлар ва унинг эволюцион тараққиёти, Шарқ мумтоз адабиётига дидактиканинг кириб келиши, муайян асарлардаги мазмун ва ғоя уйғунлигини тадқиқ этиш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, дидактик асарлар бадиияти, бадиий-эстетик қонуният каби тушунчаларни таҳлил қилишга эътибор қаратилган, бироқ дидактик асарларни қиёсий ўрганиш асосида ижодкорларнинг ўзига хос услуби ва маҳоратини аниқлаш, дидактик асарларнинг жамият аъзолари руҳияти ва маънавий дунёсига таъсир этган омилларни тайин этиш, бу хил асарлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларнинг сабабини қиёсий-типологик жиҳатдан кўрсатиб бериш илмий-назорий жиҳатдан долзарб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тил ва халқ маданияти юксалиши янада кучайиб бораётган ҳозирги шароитда тарихий, маданий, адабий ва санъат асарлари, хусусан, дидактика намуналарини ўрганиш, тадқиқ этиш, улардаги миллий ҳамда маданий меросимизга оид ғояларни чуқур ва атрофлича таҳлил қилиш, ўрганишга катта эътибор берилмоқда. «...Жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало, илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қоқоқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади»¹. Шу маънода, инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантиришда уларни илму маърифат ва маънавиятга чорлайдиган дидактик асарларни қиёсий жиҳатдан илмий тадқиқ этишни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс

¹ «Халқ сўзи» газетаси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. 2020 йил 25 январь. (19 нашр).

чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация илмий натижалари маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон туркийшунослигида ҳозиргача дидактик асарларни ўрганиш бўйича жуда катта тажрибалар тўпланди. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асаридаги ҳикматлар ва ибратли ҳикоятларнинг бадиий хусусиятларини тадқиқ этиш бўйича Кўприлизода, Рашид Раҳмати Арат, Бомбачи Алесио, А.Вамбери каби олимларнинг тадқиқотлари илмий-назарий жиҳатдан алоҳида эътирофга лойиқ².

Рус шарқшуносларининг туркий дидактик асарларни матншунослик, умумфилологик, адабиётшунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этганлиги ҳам бу соҳа тараққиёти учун катта аҳамиятга эга. Хусусан, Н.И.Ильминский, Б.Бартольд, С.Малов, П.Мелиоранский, С.Г.Кляшторнийнинг тадқиқотларини келтириб ўтиш ўринли³.

Ўзбек адабиётшунослигида «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарини ўрганишда, биринчи мукамал транскрипциясини яратишда, ўзбек тилига табдил этишда, унинг бир қатор илмий ва оммавий нашрларини амалга оширишда Н.Маллаев, Қ.Маҳмудов, Г.Хўжанованинг хизматлари катта бўлди⁴. Асар поэтикаси, битикнинг туркий халқлар фольклорига муносабати масаласининг чуқур таҳлили А.Ҳайитметов, А.Ҳожиаҳмедов, Б.Валихўжаев, И.Ҳаққулов, Г.Хўжанова каби олимлар томонидан тадқиқ этилди⁵.

²Arat. R.R. Kutadgu bilug. I.Metin. 3 baski. Ankara.1991.–S.XXXVIII; Куприлизода Мухаммад Фуод. Турк адабиётинда илк мутасуфлар. –Истамбул. 1919 (араб шрифтида); Bombachi Alesio. Kutadgu Bilig hakkinda ba'zi mulohazalar. –Fuod Koprulu armagani, Istanbul, Osman Yalchin matbaasi. 1953. –S. 66; Vamberi A.Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku Bilik. Innsbruk. 1870. –С.30.

³Ильминский Н. И. Вступительное чтение в курс турецко татарского языка с приложениями. –Ученые записки Казанского университета за 1961 г.г. Казан. 1862. – С. 30; Малов С.Е. «Қутадғу билиг». Факсимиле. – Советское востоковедение, V.1948. – С.327–328; Бартольд В.В.Богра-хан, упомянутый в «Қутадғу билиг» – Соч., т. У. –М.: Наука. 1968. Очерки истории Семиречья. – Соч, т. II, ч. 1 – М.: Наука. 1963. – С.35; Мелиоранский П. М. О «Қутадғу билиг». – Чингизхана – Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества. 1900. – С. 15–23; Кляшторний С.Г. Эпоха «Қутадғу билиг». –// Ж. Советская тюркология, 1970, №4. – С. 82–86.

⁴Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 1976. – Б. 87; Маҳмудов Қ. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ҳақида. – Т.: Фан. 1972. – Б. 11; Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2001. – Б.110;

⁵Ҳайитметов А. Шарқ адабиётининг ижодий методи тарихидан. – Т.: Фан, 1970. – Б. 58; Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа консерни Бош таҳририяти, 1999. – Б. 237; Ҳаққулов И. Ирфон ва идрок. – Т.: Маънавият, 1998. – Б. 158; Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 110; Валихўжаев Б. Ўзбек эпик поэзияси тарихидан. – Т.: Фан. 1974. – Б. 30.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон адабиётшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, дидактик асарларни қиёсий ўрганиш асосида ижодкорларнинг ўзига хос услуби ва маҳоратини аниқлаш, дидактик асарларнинг жамият аъзолари руҳияти ва маънавий дунёсига таъсири сабаб бўлган омилларни тайин этиш, бу хил асарлар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатларнинг сабабини қиёсий-типологик жиҳатдан кўрсатиб бериш илмий-назарий жиҳатдан ғоят долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университет илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган «Ўзбек адабиёти тарихи ва фольклори» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойик» «Қобуснома» асарларини қиёсий-типологик таҳлил қилиш асосида бадиий ижоднинг универсал ва ўзига хос томонларини аниқлаш, дидактик образ тушунчасини илмий ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

дидактик асарларнинг тарихини ўрганиш, туркий панднома асарларнинг юзага келишида омил бўлган манбаларни аниқлаш;

дидактик асарларда ҳукмдорларга хос қарашларнинг бадиий-эстетик қонуниятларини ва дидактик образларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонларини ёритиш;

дидактик асарларда тил одоби масаласининг бадиий талқинига хос жиҳатлар, илм ҳақидаги қарашлар борасидаги муштарак хусусиятлар, нафс тарбиясининг дидактик битиклардаги талқини ва таҳлилини қиёслаш асосида далиллаш;

дидактик асарлардаги ҳикматлар ва ибратли ҳикоятларнинг бадиий хусусиятлари, ҳикмат жанри, дидактик образларни тасвирлашда муаллифларнинг услуби ва бадиий маҳоратини кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойик» ва «Қобуснома» асарлари танланган.

Тадқиқотнинг предметини «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойик», «Қобуснома» асарларидаги дидактик материаллар, дидактик образлар талқини ҳамда бадиий тасвир воситалари акс этган матнлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда қиёсий-тарихий, тавсифлаш, қиёсий-типологик, матний ва филологик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

«Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойик» асарлари ўзбек адабиётшунослигида ушбу асарлар билан бир даврда яратилган «Қобуснома»нинг бадиий-эстетик қонуниятларини ва дидактик образларнинг ўхшаш бадиий-дидактик хусусиятлари асосланган;

ижодкорларнинг бадиий маҳорати ва услубини қиёсий ўрганиш орқали икки адабиёт ўртасидаги донишманд, файласуф, вазир, пайгамбар образларининг типологик хусусиятлари далилланган;

уч панднома асарларнинг уйғунлигини таъминлаган шахс ва жамиятнинг бадиий-эстетик қонуниятларини, дидактик образ яратишда ижодкорларнинг бадиий, индивидуал услубини исботланган;

инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантиришда илму маърифат ва ҳунар эгаллашга чорлайдиган мўъжаз ривоятлар, ихчам латифалар, кичик-кичик ҳикоятлар аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туркий пандномаларнинг юзага келишига омил бўлган манбалар, дидактик асарларда ҳукмдорларга оид қарашларнинг ўзига хослиги, «дидактик образ» тушунчасини тавсифлаш усули орқали муаллифнинг индивидуал маҳоратини ёритиш, асарлардаги тил одоби, илм ҳақидаги қарашларнинг муштарак хусусиятлари, нафс тарбиясининг дидактик битиклардаги талқин ва таҳлиллари ўзбек мумтоз адабиётида амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган;

«Кутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асаридаги дидактик материаллар ҳамда «Қобуснома»даги панд-насиҳатларнинг бадиий талқини юзасидан чиқарилган назарий хулосалар ёш авлодни комил инсон сифатида тарбиялашда, маънавий меросимизга муҳаббат туйғуларини шакллантиришда амалий аҳамият касб этиши очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ қўйилганлиги, назарий маълумотларнинг мавжуд илмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлилларнинг тавсифлаш, қиёслаш, қиёсий-типологик, матний таҳлил усуллар воситасида асосланганлиги, илмий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти туркий халқлар, жумладан, ўзбек адабиёти тарихига оид туркий пандномаларнинг юзага келишига омил бўлган манбалар, дидактик образлар ва асарларнинг уйғунлигини таъминлаган бадиий-эстетик қонуниятлар адабиётшунослик йўналишларидаги тадқиқотларга манба сифатида хизмат қилиши билан белгиланади;

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан олий таълимда «Ўзбек адабиёти тарихи», «Мумтоз тарихий поэтика» каби мутахассислик фанларидан маърузалар тайёрлашда ҳамда шу йўналишда олиб борилаётган тадқиқот ишларида, шунингдек, дидактик материаллар, методик қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Кутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва «Қобуснома» асарларининг қиёсий-типологик таҳлилидан келиб чиққан илмий натижалар асосида:

«Кутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қобуснома» асарларида илм ҳақида, тил одоби, нафс тарбияси ҳақидаги қарашларнинг илмий натижа ва қиёсий таҳлилларидан **ФА-Ф1-005-рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» (2017–**

2020 й.й.) номли фундаментал лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимидининг 2021 йил 25 майдаги 17.01/153-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳада XI–XII асрлар туркий халқлар адабиётида уч пандноманинг уйғунлигини таъминлаган бадиий-эстетик қонуниятлар, дидактик образ яратишда ижодкорлар услубидаги ўзига хослик асосланган;

ижодкорларнинг бадиий маҳоратини ва услубини қиёсий ўрганиш, жаҳон адабиёти ривожидagi муносиб ўрнини асослаш, «дидактик образ» тушунчасини тавсифлаш каби хулосалардан ПЗ-20170927147-рақамли «Қадимги даврлардан XIII асргача бўлган туркий ёзма манбалар тадқиқи» мавзусидаги амалий лойиҳани (2017–2020 йй.) бажаришда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 14 июлдаги 01/4 1258-сонли маълумотномаси). Натижада бадиий ижод намуналарини тадқиқ ва талқин этишда дидактиканинг аҳамияти «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қобуснома» асарларини қиёсий ўрганишга, бадиий ижоднинг умумий ва ўзига хос томонларини аниқлашга эришилган;

уч панднома асарнинг уйғунлигини таъминлаган бадиий-эстетик қонуниятлар, дидактик образ яратишда ижодкорларнинг услубига доир фикр-мулоҳазалардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон тарихи» телеканалда туркум кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 28 февралда берилган 02-40-471-маълумотномаси). Натижада инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантиришда, уларни илму маърифат ва хунарга чорлайдиган ҳикмат ва ҳикоятлар радиоканал ижодий жамоасининг мавзу доирасида чуқурроқ мулоҳаза юритиши учун замин яратган.

«Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва «Қобуснома» асарларининг қиёсий-типологик таҳлили ҳақидаги илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг «Ассалом, Бухоро» кўрсатувини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 14 августдаги 743-маълумотномаси). Натижада «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарининг адабиёт тараққиётига қўшган ҳиссасига доир материаллар, назарий маълумотлар ёш авлод қалбида мазкур ижодкорларга, маънавий меросимизга муҳаббат туйғуларини юксалтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 14 та илмий-амалий анжуманда, жумладан, 5 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза шаклида тақдим этилиб, апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 38 та илмий иш чоп этирилган, жумладан, 2 та рисола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 та республика ҳамда 3 та хорижий журналларда эълон қилинган. Scopus базасидаги журналда 1 та мақола чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 158 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертациянинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилингани, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Туркий адабиётда дидактик асарларнинг ўрни**» деб номланган биринчи боби «**Дидактик асарларнинг ўрганилиш тарихи**»га бағишланган. Унга кўра, уч дидактик асарнинг ўрганилиш тарихига назар ташланади. Туркий адабиётдаги «Кутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари форс-тожик адабиёти намунаси – «Қобуснома» билан қиёсланиб, уч дидактик асарнинг айри жиҳатлари аниқланди.

«Кутадғу билиг»ни чет эллик олимлар манбашунослик, матншунослик ва умумфилологик йўналишда ўрганган. Бунга А.Вамбери, Р.Арат, В.Радлов, А.Бомбачи, Н.И.Ильминский, С.Малов, Б.Бартольд, П.Мелиоранский, А.Самойлович, Н.А.Юдахин, Н.А.Баскаков, А.Н.Кононов, Э.Тенешев, Г.Благова, Шербак, С.Кляшторний сингари олимларнинг илмий тадқиқотлари фикримизни асослайди⁶.

«Кутадғу билиг» асарини А.Қаюмов, Холид Расул, О.Жўраев⁷ ва бошқалар адабиётшунослик; Ғ.Абдурахмонов, Э.Фозилов, А.Алиев,

⁶ Vamberi A. Uigurische Sprachmonumente und das Kudatku Bilik. Innsbruck. 1870. –С.30; Arat. R.R Kutadgu bilug.I. Metin. 3 baski. Ankara. 1991.–S.XXXVIII; Radloff W. Das Kudatku Bilik das Jusuf-Chaas-Hadscib aus Balasagan. Theil I.St. –Peterburg. 1891. Theil II.1910. –S. 252; Bombachi Alesio. Kutadgu Bilig hakkinda ba'zi mulohazalar. –Fuod Koprulu armagani, Istanbul. Osman Yalchin matbaasi. 1953. –S. 66; Ильминский Н. И. Вступительное чтение в курс турецко татарского языка с приложениями. –Ученые записки Казанского университета за 1961 г.г. Казан. 1862. – С. 30; Малов С.Е. «Кутадгу билиг». Факсимиле. – Советское востоковедение, V. 1948. – С. 327–328; Бартольд В.В.Богра-хан, упомянутый в «Кутадгу билиг» – Соч., т. У. – М.: Наука. 1968. Очерки истории Семиречья. – Соч, т. II, ч. 1 – М.: Наука. 1963. – С. 35; Мелиоранский П. М. О «Кутадгу билиг». – Чингизхана – Записки Восточного Отделения Русского Археологического Общества. 1900. – С. 15–23; Самойлович А. Дополнение к предложенным Радловым и Томсеном к переводам одного стиха «Кутадгу билиг» – Доклады Академии наук, серия В, 1928. №2.– С. 23–25; Юдахин К.К. Боуз или бу уз? – Эпиграфия Востока, I – Сб. ст. вод ред проф. В.А. Крачковской. – М. Л., 1947. – С. 35; Баскаков Н.А. Введение в изучение тюркских языков. – М.: Высшая школа, 1962; Советская тюркология, 1970, №4. – С.13–19; Кононов А. Н. Слово о Юсуфе его поэме «Кутадгу билиг» – //Ж.Советская тюркология, 1970. №4. – С. 3–12; Тенешев Э.Р. «Кутадгу билиг» и Алтун ярук. – //Ж. Советская тюркология, 1970, №4. – С. 24–31; «Кутадғу билиг» ва «Олтин ёрук» –// Ж. Ўзбек тили ва адабиёти, 1970. – Б. 29–36; Благова Г.Ф. «Кутадғу билиг» билан «Бобурнома»ни тарихий-лингвистик қиёслаш методикаси. – //Ўзбек тили ва адабиёти,1970, №5. – В. 21–27; Шербак А. М. О фонетических особенностях языка Кутадгу билиг и древнеуйгурском консонантизме. // Ж. Советская тюркология. 1970, №4. – С. 20–23; Кляшторний С.Г. Эпоха «Кутадгу билиг». –// Ж. Советская тюркология. 1970, №4. – С. 82–86.

⁷Жўраев О. Юсуф Хос Ҳожибнинг образ яратилган маҳорати. Ўзбек адабиёти тарихидан материал ва тадқиқотлар. Илмий асарлар тўплами. Адабий мерос. 1982. 1 (21)-сон. – Б. 58–62; Абдурахмонов Г.А. К переводу «Кутадгу билиг» на русский язык. – // Сов. Тюрк-ия, 1970, № 4,–С.120–126; Фазылов Э. Лексика «Кутадгу билиг» в древнетюркском словаре. – // Советская тюркология. 1970, № 4. – С. 30; Алиев А. «Кутадғу билиг» ва «Девону луғоти турк»нинг Наманган шевалярига муносабати. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970, 6-сон. – Б. 35–37; Умаров Э. «Кутадғу билиг»да бир ибора тарихи – // Ўзбек тили ва адабиёти. 1970,

Э.Умаров каби олимлар тилшунослик нуқтаи назаридан атрофлича ўрганди. Олима Б.Абдурахмонова «Қутадғу билиг»ни ўрта мактаб, академик лицей ва касб-хунара коллежларида ўрганиш методикасини тадқиқ этди.

Боқижон Тўхлиев «Қутадғу билиг»нинг жанр хусусиятлари борасида анча салмоқли ишларни амалга оширди, дostonнинг вазни ҳамда қофия тизимини алоҳида ва чуқур текширди, дoston поэтикасида муҳим ўрин тутган тасвир воситаларини тадқиқ этди. Асарнинг поэтикасини ўрганиш асосида бир неча рисола⁸, ўқув қўлланма ва алоҳида монография нашр эттирди.

Ҳозиргача «Қутадғу» билиг асарини ўрганиш бўйича жаҳон туркийшунослигида жуда катта тажриба тўпланган. Туркий пандномачиликнинг яна бир намунаси «Ҳибат ул-ҳақойиқ»қа бағишланган тадқиқотлар ҳам анчагина. Ўзбек адабиётшунослигида Аҳмад Югнакий ва унинг дostonига доир илмий изланишлар Н.Маллаев, Қ.Маҳмудов, Р.Воҳидов, С.Тоҳиров, Г.Хўжанованинг алоҳида тадқиқотларида, шунингдек, М.Имомназаров, Э.Умаров, И.Ҳаққул, Ҳ.Болтаев, Н.Ражабов, Қ.Тоҳиров каби олимларнинг мақолаларида кузатилади.

Уйғур олимлари Ҳ.Темур ва Т.Аюб, қозоқ олимлари Э.Куришжонов ва Б.Соғиндиқовлар уни асл матни, таржима ва фотонусхалари билан нашр эттирган. Шунингдек, Э.Бертельс, Фитрат, Фуод Кўпрулузода, Т.Такин, Э.Рустамов, Н.Маллаев, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, М.Имомназаров, Б.Тўхлиев, Н.Раҳмонов, И.Ҳаққулов, Г.Хўжановалар «Ҳибат ул-ҳақойиқ»ни тадқиқ қилган.

«Қобуснома» кўпдан бери Ғарб ва Шарқ олим ва педагоглариининг диққатини ўзига тортиб келади. Асар турк (1432, 1705), уйғур (178687), немис (1811), ўзбек (1860, Огаҳий томонидан), татар (1881), француз ва рус (1886) тилларига таржима қилинган. Мустақилликдан кейин Субутой Долимовнинг ўғли проф. Улуғбек Долимов «Қобуснома»ни тўлдирилган ҳолда чоп эттирди.

Кайковуснинг «Қобуснома» асари бўйича ўзбек адабиётшунослигида махсус тадқиқот учратмадик. «Қобуснома» асари ҳақида Мелс Маҳмудовнинг «Комил инсон – аждодлар орзуси» китобида айрим маълумотлар кўзга ташланади. Муаллиф китобининг Шайхур раис Кайковус билан учрашганми?» сарлавҳали бўлимида «Қобуснома»нинг муаллифи ҳақида кенг тўхталган⁹.

Кўринадики, «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва «Қобуснома»

6-сон. – Б. 64–66. Абдурахмонова Б. Таълим босқичларида «Қутадғу билиг»ни ўрганишнинг ўзига хос хусусиятлари: пед. фан. номзоди илмий даражаси олиш учун ёзилган дисс... – Т.: 2007.

⁷Тўхлиев Б. Билим – эзулик йўли. – Т.: Фан, 1990. – Б.56; Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг»и ва айрим жанрлар тақомили. – Т.: Аср-Матбуот. 2004. – Б. 62; Тўхлиев Б. Краткий обзор изданий о древнейшем письменном памятнике «Қутадғу билиг». –// Библиотеки Узбекистана. Сборник статей по теории и практики библиотечного дела. Выпуск II. – Т.: 1981. – С. 129–140.

⁸Содиқов Қ. Туркий матннавислик тарихидан. –// А.Қаюмов, М.Ишоқов, А.Отаҳўжаев, Қ.Содиқов. Қадимги ёзма ёдгорликлар. «Авесто», «Занд» китоблари. Суғд фалсафий-ахлоқий ёзма ёдгорликлари. Туркий матннавислик тарихи. – Т.: Ёзувчи. 2000. – Б. 117–204. Содиқов Қ. Туркий ёзма ёдгорликлар тили: адабий тилнинг юзага келиши ва тикланиши. – Т.:Фан. 2006. – Б. 208. Хўжанова Г. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ҳақиқатлари. – Т.: Ф.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001, 32-бет.

⁹Мелс Маҳмудов. Комил инсон – аждодлар орзуси. – Т.: Ёзувчи. 2002. – Б. 80.

асарларининг олдинги иккиси ўзбек адабиётшунослигида атрофлича тадқиқ қилинган ҳолда учинчиси деярли текширилмаган. Бир қатор универсал жиҳатларга эга бўлишига қарамай, бу уч асар типологик жиҳатдан қиёсий ўрганилмаган, ҳар бир ижодкорнинг дидактик асар ёзишдаги ўзига хос услуби компаративистик йўсинда таҳлил қилинмаган. Шундан келиб чиқиб, биз ишимизда дидактик асарларни қиёсий-типологик ўрганишни, асарлар яратилган давр, уч асарларнинг бадиий-дидактик характеридаги ўхшашликлари ва ўзига хосликларини қиёсий ўрганиш орқали ўзбек ва жаҳон дидактик адабиётидаги умумий қонуниятларни очиқ беришни назарда тутдик.

Бобнинг иккинчи фаслида «**Туркий пандномалар яратилишига асос бўлган манбалар**» муаммоси ўрганилди. Мазкур фаслда дастлаб панднома руҳида ёзилган асарларга халқ оғзаки ижоди, ҳинд, эрон, форс манбалари ва диний китобларнинг таъсирига доир мулоҳазалар, кейинчалик дидактик асарларга Қуръон ва ҳадис китобларининг ғоявий таъсири талқинига эътибор қаратилди. Маълум бир халқ адабиётининг тарихий тараққиёт босқичларини муайянлаштиришда унинг фольклорга муносабати масаласини четлаб ўтиш мазкур масаланинг тўлақонли ва объектив ҳал этилишига монелик қилади. Зеро, «сўз санъатининг бошланиши фольклордадир»¹⁰. Биз тадқиқ қилаётган уч дидактик асарга ҳам халқ оғзаки ижодининг таъсирини сезиш мумкин. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари яратилишининг яна бир манбаси ҳикматлардир. Ҳикмат – донолик, панд-насихат, Ҳаққа мувофиқ сўз, гўзал илм, солиҳ амал, деган маънони билдиради. Ҳикмат илми тасаввуф илми ҳамдир. Х асрдан эътиборан диний-тасаввуфий мазмундаги шеърлар «ҳикмат» деб аталган ва уни биринчи бўлиб Хожа Аҳмад Яссавий кўллаган. Тўғри, ҳар хил мазмундаги ҳикматли сўзлар донишмандлар томонидан доим айтиб келинган. Лекин уни маълум тартибдаги ўзига хос шеърый шаклга солиш Яссавий томонидан амалга оширилган.

Ҳикматлар донишмандлик, ақл-заковат ва даҳоларнинг доно фикр ҳамда теран қарашлари ифодаси сифатида барча замонлар учун қадрлидир. Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асари ана шундай ҳикмату панд-насихатга йўғрилган битикдир. Асар 254 байтдан иборат бўлиб, 14 бобни ўз ичига олади, панд-насихат усулида ёзилган. Унда илм-маърифатли бўлиш, яхши ахлоқий хислатларни тарбиялаш сингари масалалар илгари сурилади. Муаллиф инсон бахт-саодатга эришиши учун илм-маърифатни эгаллаши зарур эканлигини алоҳида уқтиради. Югнакий ўз асарида бирор аниқ воқеа, ҳодиса ёки саргузаштни ҳикоя қилмайди, у одоб, ахлоқ ва маърифатга оид дидактик қарашларини баён йўли билан ифодалайди.

«Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ», «Қобуснома» асарларининг ёзилишига таъсир этган манбалар – ҳинд ва эрон, юнон адабиёти, диний адабиётлар ҳамда Таврот, Қуръон ва ҳадис китобларидир. «Ҳиндларнинг тарихий ҳаётдан қисса қилувчи энг қадимий ёзма ёдгорлик Веда адабиётларидир. Веда адабиётлари қадим ҳинд афсоналари асосида ёзилган диний муножотлар, панд-насихатлар, тарихий қиссалар ва диний

¹⁰ Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. – Т.: Баёз. – Б. 16.

маросимларда қўлланиладиган дуолар тўпламидан иборатдир. Санскрит тилида «веда» – билим, маърифат деган маънони англатади». ¹¹ Веда адабиётларининг сўнги босқичларида яратилган туркум китобларда эпик дostonлар, фалсафий-тарбиявий пандномаларнинг кўплиги маърифий тарбия заруратидан келиб чиққан.

Уч ижодкор ҳам асарларида сўзнинг улуғлигини, кудратини тасвирлайди. Сўз туфайли кишининг тарбияланиши, сўз сабабли эзгулик ва ёмонликни фарқлай олиш уқтирилади. Сўзнинг улуғлиги уч ижодкорда ўзига хос тарзда баён қилинган. Юсуф Хос Ҳожиб кишининг қандайлигини унинг сўзидан билиш мумкин, чунки сўз унинг дунёқарашини, кимлигини англатади деса, Аҳмад Югнакий сўзингни тўғри сўзлаб, қалбингни бега – дейди. Кайковус эса сўз шу даражада улуғки, уни хор қилмаслик керак, – деб уқтиради.

Дидактик асарлар турли халқ ва миллат, диний таълимотларнинг бой илмий-маънавий меросидан озиқланиб, ривожланган. Шу жиҳатдан ҳам, ўзбек мумтоз адабиёти намояндалари қайсидир маънода, яҳудий ривоятлари билан яқиндан таниш бўлган ва ўз асарларида бадийликни таъминлаш мақсадида улардан ижодий фойдаланган. Уларнинг генезисини фақат Қуръони карим ёки исломий ривоятлардан қидириш етарли бўлмайди. Тавротдаги ривоятлар дидактик асарларда ҳам турлича учрайди. Масалан: Тавротда Юсуф пайғамбаримизнинг хусни ва оқибатсиз акалари ҳақидаги ривоят ¹², «Қобуснома»да «Ишқ ва унинг одатлари» деб номланган 14-бобнинг 2-ҳикоятида «...бас, агар ошиқ бўлсанг, шундоғ кишига бўлғилки, ул маъшуқалиққа лойиқ бўлсин, ...Яқубнинг ўғли Юсуфдек хусни бўлмаса ҳам, бироз малоҳати бўлсин» («Қобуснома», 77-бет) ёки асарнинг «Мол жам этмак зикрида» деб номланган 21-бобида «...агар молингни харж этиб, яна жойини тўлдирмасанг, Қоруннинг ганжидек бўлса ҳам, бир кунда йўқ бўлур» («Қобуснома», 87-бет) деган сатрларда Тавротдаги пайғамбарлар ҳақидаги ривоятларнинг таъсирини сезиш мумкин.

Умуман олганда, дидактик асарлар ҳинд, эрон ва диний адабиётларнинг бой илмий-маънавий меросидан озиқланиб яратилган. Асарларда баён этилган бадий тўқима, тарихий ва диний ривоятлар шундан далолат беради.

Тадқиқотнинг «**Ҳукмдорларга оид қарашларнинг дидактик талқини**» деб номланган иккинчи боби икки фаслдан иборат. Биринчи фаслда «**Ҳукмдорлар образининг қиёсий таҳлили**» масаласига эътибор қаратилган. XI асрнинг иккинчи ярмига келиб Қорахонийлар салтанати ижтимоий-маданий ҳаётида айнан «Шоҳлар кўзгуси» анъанасида битилган мазкур обиданинг ўрни ва аҳамияти жуда катта эди. «Шоҳлар кўзгуси» атамасини асли ғарб олимлари киритган бўлиб, бу мустақил универсал жанр даражасига кўтарилган эди. Буни аслида салтанатни қандай қилиб бошқариш йўриқлари, қоидалари тарзида ҳам тушуниш мумкин. «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва «Қобуснома»да бекнинг барчага намунали шахс сифатида гавдаланиши

¹¹Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2011. – Б. 8.

¹²Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. Монография. – Т.: Янги аср авлоди. 2011. – Б. 20.

таъкидланади. «Қутадғу билиг»да бекни ботқоққа олиб борувчи салбий хусусиятлар санаб ўтилади. «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да бадий тасвир воситаларининг қўлланилиши асарларнинг бадийлик хусусиятларини кўрсатади. Уч асарда ҳам идеал шоҳ ҳақида шоҳларга панд-насихатлар келтирилади. («Ҳибат ул-ҳақойиқ»да эса амалдорга). Бундай тасвир «Шоҳлар кўзгуси» жанрининг бош хусусиятидир.

Тадқиқотчи Роберт Денкофф «Сиёсатнома» асарини «Шоҳлар кўзгуси» жанрига мансуб, деб ҳисоблагани ҳолда «Қобуснома»ни бу жанрга мансуб санамайди. Ҳолбуки, «Қобуснома»нинг 42-боби очикдан-очик «Подшоҳлик шарти ва расми зикрида» деб номланиб, унда шоҳ қандай бўлиши кераклиги борасидаги илғор фикрлар баён қилинади. Кайковус шоҳлар адолатини қуёшга ўхшатиши орқали «Шоҳлар кўзгуси» жанрининг биринчи талабини бажарган. Аҳмад Югнакий эса «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида ҳукмдор:

«Сиёсат риёсат киёсат карам,
Саёдат ула адл эшит уқ муни»¹³

(*Сиёсат, бошқарув ва раҳбарлик ишларида у йўл кўрсатувчи машъалдир, бунини эшит, тингла*) тарзида тасвирланади. Кўринадики, Югнакий ҳам ҳукмдорлар халқ учун йўл кўрсатувчи машъал бўлишини таъкидлайди. Демак, «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да ҳам «Шоҳлар кўзгуси» жанрининг илк талаби бажарилган. Маълумки, «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида бирор воқеа тасвирланмайди. Асар бошдан оёқ муаллифнинг ўғитлари шаклида ёзилган. Адиб аниқ бир давлат арбобига бағишланган асари орқали, умуман, ҳукмдор қандай бўлиши кераклигини баён қилади.

Таҳлиллардан хулоса қилиб, Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» ва Кайковуснинг «Қобуснома» асарларини ҳам худди «Қутадғу билиг» сингари «Шоҳлар кўзгуси» жанрида ёзилган асарлар сирасига киритиш мумкин.

«Қобуснома»да ёзилади: «Ҳар кишига иш буюрсанг, ўзига муносиб ишни буюрғил». («Қобуснома», 174-бет) Кайковус шоҳларга қўл остидагиларнинг ҳар бирига ўзига муносиб ишни буюриш кераклигини уқтиради. Чунки ҳар бир одам ўзига хос имкониятга эга. Одам қўлидан келадиган иш билан шуғулланганда натижа бўлади. «Қутадғу билиг»да ҳукмдорнинг ташқи қиёфаси ҳам муҳимлиги, «бек бўладиган одамнинг юзи кўркли, силлик, бўйи ўртача бўлса яхшилиги» айтилади:

2038 «Кулар юз сучиг саз силиг өз керәк,

Қылынчы буларқа тутғөл туз керәк» («Қутадғу билиг», 347-бет).

(*Кулар юз, чучук сўз ва ўзи латиф, феъл-атвори эса шуларга тўла мос бўлиши керак*). «Қобуснома»нинг «Подшоҳлик шарти ва расми зикрида» деб номланган бобида муаллиф подшога вазирнинг ташқи қиёфаси қандай бўлиши кераклиги бўйича шундай маслаҳат беради: «**Вазир хушсуратлик ва узун бўйлик, кенг қоринлик, қари одам бўлса яхшидур. Қисқа бўйлик, бадрўйлик, таҳфиф (енгил) суратлик киши бўлса, унда ҳеч ҳайбат ва шуқуҳлик бўлмағусидур. Узун соқоллик одам вазирликка муносибдур**». («Қобуснома», 173-бет). «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да эса бекнинг ташқи қиёфаси

¹³ Аҳмад Югнакий. Ҳибат ул-ҳақойиқ. (Нашрга тайёрловчи: Қ.Махмудов). – Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1971. – Б. 37.

батафсил тасвирланмаган бўлса-да, «Салобат ичинда Умартек жувон» («*Ҳибат ул-ҳақойиқ*», 37-бет), дея унинг салобатли экани таъкидлаб ўтилади. Демак, бек кенг гавдали, узун бўйли, кенг елкали бўлиши керак.

Қиёсий таҳлилга тортилган уч дидактик асарда адабий портрет яратиш бўйича илк уринишлар мавжудлиги кузатилади. Ҳукмдорларнинг ташқи қиёфаси ҳам тасвирлангани асарларнинг бадиий қийматини оширган.

Иккинчи бобнинг «**Дидактик образ тушунчасининг бадиий-эстетик талқини**» деб номланган иккинчи фаслида уч дидактик асардаги образлар тадқиқ этилди. Дидактик асар тушунчаси ўзбек мумтоз адабиётига Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарлари орқали кириб келган, уларга хос хусусиятлар ҳақида илмий қарашлар билдирилган бўлса-да, миллий адабиётшуносликда «дидактик образ» тушунчаси мутлақо изоҳланмаган.

Дунё адабиётида яратилган пандномалардаги образлар тизимида хос хусусиятлар ва уларнинг илмий талқинлари билан танишиш ҳамда миллий дидактик асарларимиздаги образларга хос бўлган белгиларни синчиклаб ўрганиш натижасида илк бора дидактик образ тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилдик. Бизнингча, *дидактик образ деб, ижодкорнинг дидактик мақсади асосида фикр, туйғу, ҳиссиёт ва кечинмалари сингдирилган, панд-насихат орқали инсонда эзгу маънавий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган шахс тасвирига айтилади.* Берилган таърифдан келиб чиқиб, уч асардаги образларни қиёслаб ўрганиш асосида дидактик образларга хос бўлган белгиларни тайин этишга ҳаракат қиламиз.

Уч асардаги дидактик образларни таҳлил қилиш учун уларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади:

1. Донишмандлар образи.
2. Файласуфлар образи.
3. Вазирлар образи.
4. Пайғамбарлар образи.

Кайковуснинг «Қобуснома» асарида Ануширвон, Фатх, Абдужаббор Хўжоний; Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида Кунтуғди, Ануширавон, Ўгдулмиш; Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асарида Ануширавон сингари донишмандлар образи тасвирланган.

Панднома асарларда файласуф образида ижодкорлар дидактик руҳ берадиган хусусиятларни акс эттиради. «Қобуснома»да файласуфлар шоҳ ёнида туриб унга давлат бошқарувида ёрдам берадиган, тўғри қарор чиқарадиган, барчага намуна бўладиган ақл эгалари сифатида гавдаланади. Қобусноманинг 44-бобида Аристотелнинг донишманд билан суҳбати берилган. Файласуфлар образи «Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да учрамаса-да, кейинчалик яратилган бир қатор асарларда тасвирга тортилади. Таъкидлаш жоизки, дидактик асарларда қаламга олинган файласуфлар образи кейинчалик яратилган пандномаларга ҳам кўчиб ўтгани кўзга ташланади. Бу ҳолат образларнинг дидактик адабиётдаги анъанавий образларга айланишига асос бўлган.

Ҳукмдорлар ҳаёти акс эттирилган деярли барча битикларда шоҳ билан бирга вазир образи учрайди. Бу ҳолатни тадқиқот объекти бўлмиш дидактик асарларда ҳам кўриш мумкин. Икки асарда ҳам вазир образига салмоқли дидактик вазифа юкланган. Кайковус панднома жанрига киритган янгилик

шу бўлганки, у асарида вазирнинг ташқи қиёфасини чизиб, унинг адабий портретини ҳам яратган. Битикда вазирнинг хушсурат, узун бўйли, кенг қоринли, узун соқолли киши экани кўрсатилиб, тасвирнинг табиийлиги оширилган. Шунингдек, муаллиф вазирнинг нутқида, ҳаракатида, жуссасида, юзида, жилмайишида ўзига хос бетакрор жиҳатларни ҳам кўрсата олган.

Дидактик асарларнинг муаллифлари пайғамбарларга илоҳий иродага эга, инсониятни тўғри йўлга бошловчи, эзгу маънавий фазилатлар эгаси сифатида ёндашганлар ва ҳукмдорларни пайғамбарлар кўрсатган йўлдан юришга ундаганлар. Панднома бўлгани ва ҳукмдорларни эзгу ишларга чақиришга қаратилгани учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) вафотидан сўнг халифалик қилган у зотнинг энг яқин издошлари бўлмиш Абу Бакр, Умар ибн Хаттоб, Усмон ибн Аффон ва Али ибн Абу Толиб сингари буюк кишилар ҳаётидан олинган лавҳалар, уларнинг қарашлари, ҳикматларидан дидактик асарларда фойдаланилган. Бундан ташқари мазкур бобда «Қобуснома»даги ҳикоятлар ўрганилиб, султонлар ҳақидаги ва тарбиявий ҳикоятларга ажратилди. Ҳикоятлар ғоявий-бадий таҳлил қилиниб, асарнинг бадий хусусиятлари ёритилди.

Тадқиқотнинг учинчи боби «**Дидактик асарларнинг мавзу йўналишлари ва бадий маҳорат масаласи**» деб номланиб, уч фаслга ажратилган. Унинг биринчи фасли «**Нафс тарбияси: талқин ва таҳлил**» деб номланади. Дидактик асарлардаги нафс ҳақидаги қарашларнинг ғоявий-бадий хусусиятлари тадқиқ этилди. Бу, ўз навбатида, нафс тарбияси талқинида бир қатор типологик ўхшашликлар борлигини кўрсатди.

«Қутадғу билиг» ва «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да ўзига хос оригинал рамзий тасвирлар яратишда муаллифлар маҳорати кўринади:

| «Қутадғу билиг»да | «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да | «Қобуснома»да |
|------------------------------------|----------------------|--|
| <i>Ҳайвонга ўхшатиш</i> | | «Қобуснома»да мол-дунёни сақлаш ва сарф этиш усуллари баён этилади: |
| кийик | илон | Молни яхши сақлагил, сақламоқ йиғишдан мушкулдир. |
| <i>Жисмларга ўхшатиш</i> | | ...кишига қарз бермағил. ...қайтиб олмоқнинг озори бермағоннинг озоридан кўпроқдур; |
| тўп | оғу, аччиқ ичимлик | Ўзгаларнинг молидин тама қилмағил, токим барча халойиқнинг яхшироқ ва азизроғи бўлғайсан; |
| <i>Табиат ўхшатиш</i> | | Ҳеч қачон омонатга хиёнат қилмағил, тўғрилиқ билан халққа машҳур бўлғайсан. |
| Ой, шўр сув | булут | Исрофни шум эътиқод қилғил; исроф танҳо молнинг харжида эрмас, балки овқатда, хулқда, сўзламақда ва ўзга ишларда ҳам ёмондур |
| <i>Одамлар ва қушларга ўхшатиш</i> | | «Қобуснома»да шоҳ ва амалдорларга бойликни оқилона сарфлаш ҳақида ўғит берилган |
| Кўр кишига | Қурук туш, қуш | |

Таҳлил этилаётган ёзма обидалардаги қушлар ва ҳайвонлар образи, уларнинг ранги, ҳаётӣ тарзидаги характерли белгиларни ифодалаш орқали турли характер-хусусиятга эга бўлган инсонлар тасвири яратилган. Халқ оғзаки ижоди намуналари ва қадим туркий адабиётда акс эттирилган қушлар ва ҳайвонлар образи аста-секин ёзма адабиётга ўтиб, мажоз йўли билан панднома фикр ифодалашга хизмат қилган. Шунингдек, турли хил кўриниш ва хусусиятга эга наботот олами, ўт-ўлан, фасллар, кун, тун, сув, иссиқ, тупроқ, ёмғир, булут, чакмоқ, сел, бўрон, ел-шамол сингари табиат ҳодисалари бадий адабиётда рамзий образ яратишга асос бўлган.

Шунга ўхшаш ёндашувлар «Қобуснома»да ҳам учрайди. «Қутадғу билиг», «Ҳибат ул-ҳақойиқ» «Қобуснома» асарларидаги фикрлар ҳамоҳанглиги, биринчидан, дидактик асарлардаги мавзулар анъанавийлиги бўлса, иккинчидан, яқин адабиётнинг бир-бирига таъсири натижасидир. Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус ва Аҳмад Югнакийнинг асарларида ҳалол яшаш кераклиги, ҳаромдан нари бўлиш, бойликка ҳирс қўймаслик ғоялари илгари сурилади. Бу пандномаларда бойлик кўланкага, ясанган келинга, экинзорга, илонга, оғуга ўхшатилади. Бундай хатарли нарсалардан нари бўлиш афзаллиги айтилади.

Бобнинг «Илм ҳақидаги қарашларнинг бадий ифодаси» масаласига бағишланган иккинчи фаслида уч дидактик асарлардаги илм ҳақидаги қарашларнинг бадий хусусиятлари тадқиқ этилди.

«Қутадғу билиг»да шоир билимсиз кишиларни касалга ўхшатиб ёзади:

153»Билигсиз киши барча иглиг болур,

Игиг эмлэмәсә киши тәрк өлур». («Қутадғу билиг», 84-бет).

(*Билимсиз кишилар барчаси дардли бўлади, дардни даволамаса, киши бот ўлади*). Болосоғунӣ билимсизлик одам учун оғир дард эканини, даволанмаган дард эса кишини ўлимга олиб боришини шу тариха эсда қоларли қилиб тасвирлайди. «Ҳибат ул-ҳақойиқ»да эса билимли одам кадри тушмайдиган олтинга, билимсиз кимса қуриган ўтинга, билимли хотин эркакка, билимсиз эркак эса хотинга ўхшатилади:

«Баҳолик динар ул биликлик киши,

Бу жоҳил биликсиз баҳосиз биши.

Биликлик биликсиз қачон тенг бўлур,

Биликсиз тиши эр жоҳил эр тиши».

(«Ҳибат ул-ҳақойиқ», 40-бет).

(*Билимли олтиндек ҳар ерда*

Билимсиз мисоли қуриган ўтин.

Билимли, билимсиз қачон тенг бўлар?

Билимли хотин- эр, жоҳил эр- хотин).

Турк олими Н.С.Банарлининг таъкидлашича, адиб Аҳмаднинг билимли аёлни эркакдан устун кўйиши янги ижтимоий нуқтаи назарнинг ифодаси бўлиб, «Бу аёл исломиятнинг илк асрларидан бошлаб эски турк қавмлари муҳитида юксак мавқега кўтарилганлигидан далолат беради»¹⁴. «Қутадғу билиг»да аёллар образи тасвирланмаган. Аёллар ҳақида «Ҳибат ул-ҳақойиқ» асаридагига ўхшаш фикрлар «Қобуснома»да учрайди. Кайковус ҳикоятларда

¹⁴ «Расмли турк адабиёти тарихи». 1-жилд. – Б. 244.

аёллар образига мурожаат қилади. «Қобуснома»даги 7-бобнинг учинчи, 27-бобнинг иккинчи, 29-бобнинг иккинчи, 42-бобнинг учинчи ҳикоятларида аёллар образи келтирилади. Аёллар образи ҳам дидактик асарлардаги ҳукмдорларнинг маънавий қиёфасини очиб беришда муҳим ўрин тутган.

«Қобуснома»нинг 31-боби «Илм талаби ва қозигарлик зикрида» деб номланади. Кайковус асарида илмни учга бўлади: бирор касб-хунарга боғлиқ бўлган илм, илм билан боғлиқ бўлган касб-хунар ҳамда хайр ва далолатга тааллуқли одат.

Хулоса шуки, уч адиб ҳам илм-маърифат мавзусини асосли ўхшатишлар орқали етарлича очиб бера олган. Юсуф Хос Ҳожиб ва Аҳмад Югнакий шеърӣ усулда ўз фикрини баён этса, Кайковус насрда асарининг бадиӣ қувватини кўрсата олди. Уч ижодкор ҳам асарига ўз услуби билан панд-насиҳат руҳини сингдира олган.

«**Дидактик асарларда тил одобининг бадиӣ талқини**» масаласига бағишланган учинчи фаслида тил одобининг ғоявий-бадиӣ таҳлиliga эътибор қаратилди. «Қутадғу билиг»да тил орқали одам бошига кўп балолар келиши, бош кесилмаслиги учун тилни кесган маъқул эканини образли йўсинда тасвирланади:

162 Мэни эмгэтур тил эди өг тэлим,

Башым кэсмэсуни кэсэйн тилим. (*«Қутадғу билиг», 85-бет*).

